

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАҚУЛОВ ШЕРЗОД НИЯТҚОБУЛОВИЧ

**ФИЗИОЛОГИК АКТИВЛИККА ЭГА БЎЛГАН 1-АРИЛ-1,2,3,4-
ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИН ҚАТОРИ МОДДАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Жўракулов Шерзод Ниятқобулович

Физиологик активликка эга бўлган 1-арил-1,2,3,4-тетрагидро-
изохинолин қатори моддалари ва уларнинг ҳосилалари синтези..... 3

Журакулов Шерзод Ниятқобулович

Синтез физиологически активных соединений 1-арил-1,2,3,4-
тетрагидро-изохинолинового ряда и их производных..... 25

Jurakulov Sherzod Niyatkabulovich

Synthesis of physiologically active 1-aryl-1,2,3,4-tetrahydro-
isoquinoline substances and their derivatives..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАҚУЛОВ ШЕРЗОД НИЯТҚОБУЛОВИЧ

**ФИЗИОЛОГИК АКТИВЛИККА ЭГА БЎЛГАН 1-АРИЛ-1,2,3,4-
ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИН ҚАТОРИ МОДДАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biohsem.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Виноградова Валентина Ивановна
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Бобоев Баҳром Нуриллаевич
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Рахимов Дилшод Аҳмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «26» апрел соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262 35 40, факс :(99871) 262 70 63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 200 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262 35 40, факс (99871) 262 70 63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «12» апрел куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А.Ахунов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда ўсимликлардан ажратиб олинган ва улар асосида ишлаб чиқарилаётган дори воситалари 50-60% ни ташкил қилади, шулардан 30% алкалоидлар ёки азот сақлаган бирикмалардан иборат. Хилма-хил алкалоидлар орасида изохинолин ҳосилалари алоҳида қизиқиш уйғотиб, улардан кўпчилиги қатор дори воситалари (булар папаверин, морфин, кодеин, берберин, пальматин, эметин, глауцин, сангвинарин, α,β -бикукунин ва бошқалар) таркибига киради.

Изохинолин бирикмаларининг кенг миқёсда қўлланилиши бутун дунёда янги изохинолин ҳосилаларини модификация ва синтез қилиш, улар асосида дори препаратларини ишлаб чиқиш бўйича изланишларни жадаллаштиришга ундайди. Изохинолин қаторининг синтетик ҳосилаларини олиш бўйича изланишлар олиб бориш, улар асосида оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга, ракка, замбуруғларга қарши фаолликларга ва юрак-қон томир системаси касалликларига қарши дори воситалари яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда аҳолини ҳавфсиз, самарали ва сифатли маҳаллий дори воситалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида «Галантамин», «Ликорин», «Экдистен», цитизин ва бошқа самарали дори воситалари яратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга оширишда маҳаллий ўсимликларда учрамайдиган тетрагидроизохинолинларни мақсадли синтезини амалга ошириш, уларнинг биологик фаолликларини аниқлаш ва улар асосида фаоллиги бўйича хорижий аналогларидан қолишмайдиган янги самарали маҳаллий дори воситалари яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ–2595-сон «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг барча саноати ривожланган мамлакатларида юқори самарага эга, янги

тетрагидроизохинолин бирикмаларини яратиш ва ишлаб чиқариш йўналишида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Чет эл олимлари хусусан, хорижлик олимлар – R. Gitto, J. W. Seo, G. Xu, U. Kazuteru, A. Mercedes, K. Leander, S. Ruchirawat, Sh. H. Krupa, R. Alonso, A.A. Ахрем, Ю.В. Шкляев, В.С. Шкляев, В.Г. Карцев изохинолинларнинг турли ҳосилаларини синтези, физик-кимёвий ҳамда биологик фаолликларини аниқлаш билан шуғулланган. Республикамизда мазкур йўналиш ривожига С.Ю. Юнусов, М.С. Юнусов, В.И. Виноградова, М. Алимова, Н. Баратов, А.Ш. Саидов ва бошқалар ҳисса қўшган бўлиб, улар томонидан гомовератриламин ва қатор дифенил эфирлар, альдегидлар ва органик кислоталар асосида моно- ва бис-тетрагидроизохинолин ҳосилалари синтез усуллари яратилган.

Адабиётларда тетрагидроизохинолинларнинг алоҳида вакилларининг синтези ва фаолликлари тўғрисида маълумотлар учрайди, лекин адабиётларда қатор 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар ва улар ҳосилаларининг самарали синтези ва улар тузилишининг фаолликларига боғлиқликлари тўғрисида маълумотлар йўқ. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда амалий жиҳатдан фойдали бирикмалар олиш нуқтаи назаридан қатор моно- ва бис- 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин ҳосилаларини мақсадли синтез қилиш ва ҳоссаларини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т-197 «Ўзбекистон флораси ёввойи ўсимликлари алкалоидларининг кимёси, тузилиши, модификацияси, синтези ва биологик фаоллиги. Янги доривор препаратлар ва биореактивлар учун замин яратиш» фундаментал лойиҳаси (2012-2016), ФА-А11-Т036 «*Arundo donax*, *Narthosium perforatum*, *Peganium Harmala* ўсимликлари ва фенилизохинолин қатори яримсинтетик алкалоидлари асосида янги нейро ва психотроп воситаларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2015-2017) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги физиологик фаол моно- ва бис- 1-арил-тетрагидроизохинолин қатори ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тавсифлаш ва улар орасидан истиқболли биологик фаол бирикмаларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги 1-арилтетрагидроизохинолинларнинг мономолекуляр ҳосилаларини синтез қилиш усулини ишлаб чиқиш;

гидроксиэтил ҳосилалар синтези;

Ar-Ar ва >N-CH₂-N< боғи орқали боғланган тетрагидроизохинолинларнинг бимолекуляр ҳосилалари синтез усуллари ишлаб чиқиш;

1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг формальдегид билан турли шароитларда ўзаро таъсирлашиш реакциясини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва тузилишини ИК-, ЯМР спектроскопия ҳамда рентген тузилиш таҳлили усулларида аниқлаш;

синтез қилинган моддалар тузилишининг биологик фаолликларига боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гомовератриламин, алмашинган бензальдегидлар, ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида янги синтез қилинган 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар ва уларнинг ҳосилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети мақсадли маҳсулотлар олишнинг шароитлари, уларнинг физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Органик кимёнинг тажрибавий усуллари, ИҚ-, УБ-, ЯМР- спектроскопия, масс-спектрометрия, рентгеноструктур анализ, хроматография (ЮҚХ, колонкали, ЮССХ), биологик тадқиқот усуллари. Биологик фаолликни дастлабки баҳоланиши учун PASS дастури қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар моно-ҳосилалари синтезининг самарали усули ишлаб чиқилган;

илк бор Ag-Ag ва $>N-CH_2-N<$ боғ тутган қатор бис-тетрагидроизохинолинларнинг синтез усуллари ишлаб чиқилган;

1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг параформ билан ўзаро таъсирини микротўлқинли нур таъсирида ва одатдаги шароитда қатор кутбли эритувчиларга ва изохинолинларнинг тузилишига боғлиқлиги аниқланган;

синтез қилинган қирқ битта янги бирикмалар орасидан седатив-транквилизирик, антиаритмик фаолликка эга моддалар аниқланган ва қатор моддаларнинг цитотоксик фаолликларининг тузилишига боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги 1-арилтетрагидроизохинолинларнинг моно- ва бис- ҳосилаларини олинишининг модифицирланган усуллари таклиф этилган бўлиб, охириги маҳсулотларнинг юқори унум билан тавсифланиши, амалга оширишнинг оддийлиги технологик шароитда ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

олдин маълум бўлмаган 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг N-метил, N-гидроксиэтил и N-нитроэтил ҳосилаларининг синтез усули ишлаб чиқилган;

микротўлқинли нурланиш шароитида аминометиллашнинг препаратив усули ишлаб чиқилган;

синтез қилинган бирикмаларнинг структуралари PubChem кимёвий моддалар Халқаро маълумотлар базасига киритилган;

бирламчи нормал хужайралар - фибробластларга нисбатан кам заҳарли ва HeLa, HEp-2 хужайраларга нисбатан самарали таъсирга эга бўлган бирикмалар аниқланган, ҳамда антиаритмик фаолликка эга ҳосилалар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ИҚ-, УБ-, ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили, хроматографик (ЮҚХ, ЮССХ), компьютер кимёси, биологик ва бошқа тадқиқот усулларида олинган натижалар билан изоҳланади ҳамда тажриба натижаларини математик статистик усулларида қайта ишлаш асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги бирикмаларнинг мақсадли синтезини

ўз ичига олган 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг 3,4-диметокси-фенилэтиламин ва қатор алмашинган бензальдегидлар асосида Пикте-Шпинглер реакцияси бўйича бир реакторли олиниш усуллари қўлландан иборат. 1-Арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг параформ билан ўзаро таъсирининг оддий шароитда ва микротўлқинли нур таъсирида янги бис-, N-нитроэтил-1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар ва хинолизидин-9-хроман олишнинг самарали йўллари яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлланилаётган ускуналарнинг оддийлиги ва мақсадли маҳсулотлар унумининг юқорилиги билан характерланадиган қатор янги биологик фаол 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин ҳосилалари синтезининг препаратив усуллари ишлаб чиқилган. Синтез қилинган ҳосилалар орасидан янги биологик хавфсиз препаратлар яратишга асос бўлиб хизмат қиладиган цитотоксик, седатив-транквилизирловчи ва антиаритмик фаолликка эга бўлган моддаларни яратиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1-Арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолиннинг моно-, бис-, N-метил ва N-гидроксиэтилли ҳосилаларни синтез қилишда олинган илмий натижалар асосида:

1-(2'-гидроксифенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолиннинг, 1-(2'-бром-5'-гидрокси-4'-метоксифенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолиннинг, 1-(3',4'-метилендиокси-2'-хлорфенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг кристалл тузилиши аниқланган ва структура маълумотлари Кембридж марказининг маълумотлар базасига киритилган (Cambridge Crystallographic Data Centre 2016 йил 4 июндаги 1489810-сон, 2017 йил 13 октябрдаги 1579965-сон ва 2017 йил 8 февралдаги 1531620-сон маълумотномалар). Натижада базага критилган маълумотлар ушбу синф бирикмалари таркибига кирувчи янги моддаларнинг тузилишини аниқлаш имконини берган;

1-арилтетрагидроизохинолинлар ва уларнинг метилли ҳосилаларининг синтез усулларида хорижий илмий журналларда ушбу синф бирикмаларини синтез қилишда ва тузилишини исботлашда фойдаланилган (Monatshefte für Chemie-Chemical Monthly, 2015, V. 146, ResearchGate, IF 1.04; Tetrahedron Letters, 2017, V. 58, Scijournal, IF 2.193 ва Tetrahedron Letters, 2017, V. 58, Scijournal, IF 2.193). Натижада янги 1-арилтетрагидроизохинолинлар синтезини амалга ошириш ва идентификация қилиш имконини берган;

синтез қилинган 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар ФА-Ф7-Т-197 рақамли «Хужайра метаболизмига биологик фаол моддаларнинг таъсирини ўрганиш» мавзусидаги лойиҳада моддаларнинг цитотоксик фаоллигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 27 октябрдаги ФТА-02-11-/960-сон маълумотномаси). Натижада 1-арилтетрагидроизохинолин бирикмалари орасидан нормал хужайралар - фибробластларга нисбатан кам захарли ва

HeLa, HEp-2 хужайраларга нисбатан самарали таъсирга эга 1-арил-тетрагидроизохинолинларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 3 таси халқаро ва 2 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Табий ва синтетик изохинолин ҳосилалари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.



Диссертациянинг «1-арилтетрагидроизохинолин қаторининг янги моно- ва бис- ҳосилалари синтези» деб номланган иккинчи боби қатор моно- ва бис-1-арилтетрагидроизохинолин ҳосилалари синтезига бағишланган. Ушбу бобда тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, 1-арилтетрагидроизохинолин қаторининг янги моно- ва бис- ҳосилалари синтези ва уларнинг хоссаларига бағишланган. 1-Арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин қатори ва улар ҳосилаларининг кимёвий тузилишини аниқлашда хроматография, спектроскопик (ИК-, ^1H , ^{13}C ЯМР ҳамда масс-) ва РТТ усуллари ёрдамида олинган натижалар муҳокама қилинган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда, 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин қатори бирикмалари ва унинг ҳосилаларини олиш фармакологик нуқтаи назардан катта қизиқиш уйғотди. Бу қатор

бирикмаларнинг биологик фаолликларини прогноз қилиш учун биз PASS компьютер тизими натижаларидан фойдаландик.

1-жадвал

PASS прогнозда олинган **4а** ва **4п** бирикмаларнинг биологик фаолликлари

 4а			 4п		
Pa	Pi	Activity	Pa	Pi	Activity
0,943	0,003	5 Hydroxytryptamine release stimulant	0,879	0,003	Antidyskinetic
0,879	0,004	Nicotinic alpha4beta4 receptor agonist	0,853	0,004	MAP kinase stimulant
0,818	0,004	Antidyskinetic	0,845	0,009	Antineoplastic (brain cancer)
0,776	0,004	MAP kinase simulant	0,826	0,013	Antineurotic
0,078	0,02	Antineurotic	0822	0,012	5 Hydroxytryptamine release stimulant
0,770	0,014	Nicotinic alpha2beta2 receptor antagonist	0,808	0,006	Nicotinic alpha4beta4 receptor agonist
0,763	0,015	Hypotonia	0,775	0,004	Leukopoiesis stimulant
			0,731	0,004	Sigma receptor agonist

Pa – мавжудликнинг эҳтимоллиги, **Pi** – прогноз қилинаётган фаолликнинг мавжуд эмаслик эҳтимоллиги

PASS дастури маълумотларига бўйича синтез қилинаётган 1-арилтетрагидроизохинолинлар ва уларнинг ҳосилалари турли йўналишдаги фаолликларда прогноз қилинади: цитотоксик, антинеуротик (неврозни даволашда), гипотензив. Ушбу бирикмалар серотониннинг ажралишини кўчайтиради (нейромедиатор) ва допамин рецепторларига агонизмни намоён қилишини жадаллаштиради (Паркинсон касаллигига қарши потенциал восита).


Адабиёт маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, табиий 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин алкалоидлари гуруҳи энг кам сонли бўлиб, Марказий Осиёда ўсмайдиган 2 турдаги *Cryptostylis fulva*, *C. erythroglossa* ва *Adhatoda vasica* ўсимликларидан 7 та вакили ажратиб олинган. Ушбу йўналишда иш олиб боришдан аввал, биз қуйидагиларни ҳисобга олдик: биринчидан, ушбу қаторнинг синтез схемасининг оддийлигини, иккинчидан айрим намоёндаларида ноёб хоссалари мавжудлигининг эҳтимоллигини. Табиий манбаларнинг етишмаслиги ва биологик фаолликларнинг кенг миқёсдалиги иқтисодий жиҳатдан самарали, арзон фармацевтик препаратларни яратиш мақсадида изохинолин ҳосилаларининг мақсадли синтезини ишлаб чиқишни тақозо этади.

1-Арил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар (4а-ф) синтези

Потенциал биологик фаол бирикмаларни аниқлаш ва фаоллигини тузилишига боғлиқлигини тадқиқ қилиш учун гомовератриламин (1) асосида Пикте-Шпенглер реакцияси бўйича қатор 1-арилтетрагидроизохинолин ҳосилалари синтез қилинган.

1 Аминнинг альдегидлар **2а-ф** билан конденсация реакцияси икки босқичда боради. Шифф асослари **3а-ф** бензолда сувни азеотроп ҳайдаб 1-1,5 соат давомида қайнатилганда ҳамма альдегидлар учун амалда осон олинади.

Иккинчи босқичда конденсирловчи агент сифатида CF_3COOH дан фойдаланилади, HCl ёки H_2SO_4 қўлланилганда 1-арилтетрагидроизохинолинларнинг анча кам унумини беради.



1-Схема. 1-Арил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин ҳосилалари синтези **4а-ф**

Амин компоненти сифатида гомовератриламин **1** ва алмашинган альдегидлар сифатида эса **2а-ф** қўлланилганда 20 та 1-арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар **4а-ф** сериясини олишга олиб келди. Ушбу бирикмаларнинг хилма-хиллиги молекуланинг арил қисмидаги ўринбосарнинг табиати билан аниқланади. Синтезнинг оптимал шароитини танлаш (эритувчи, ҳарорат режими ва конденсирловчи агент) юқори унум билан (50-90%) **4а-ф** бирикмаларни олишнинг имконини берди.

Бензальдегиднинг барча *n*-ҳолатидаги (OCH_3 , OH) биринчи тур ўринбосарлар карбкатионда электронлар етишмаслигини камайтиради, *орто*-ҳолатидаги иккинчи тур NO_2 -гуруҳи (**2м**), *орто*- ва *мета*-ҳолатидаги бром (**2к**) эса циклизация маҳсулотларининг унумини оширади, шунинг учун ҳам 6-бромпиперонал (**4р**, 90%), 6-нитровератрил альдегид билан (**4м**, 87%), бензальдегид (**4а**, 81%) ва 5-бромсалицил альдегиди билан (**4к**, 80%) юқори унумда, фурфурол билан эса паст унумда (**4ф**, 35%) 1-арилтетрагидроизохинолинлар олинди. *n*-Ҳолатида OH -гуруҳи сақлаган бензальдегиддан олинган маҳсулот **2в** nisbatan паст унум (41%) **4в**, ванилин билан **2е** дан эса 82% унум билан маҳсулот **4е** ҳосил бўлади.

Синтез қилинган бирикмалар масс-, ИК- ва ЯМР-спектрлари маълумотлари асосида характерланди. **4а-ф** Бирикмаларининг спектрал характеристикаси айнан ИК-спектрларида имин гуруҳининг мавжуд эмаслиги, ЯМР ^1H спектрларида δ 6.43-6.82 м.у. Н-5 ва δ 6.12-6.45 м.у. ларда Н-8 ароматик протонлар синглетларининг, бундан ташқари δ 4.73-5.78 м.у. ларда Н-1 метин протони ҳамда метоксил гуруҳи 6,7- OCH_3 δ 3.42-3.94 м.у.

синглетлар кўринишида эканлиги алмашинган 1-арил-1,2,3,4,-тетрагидро-изохинолинларнинг ҳосил бўлишини исботлайди.

4а-ф Бирикмаларнинг ЯМР ^1H спектрида протонлар сигналлари **4п** модданинг ЯМР Diff-NOE ва COSY спектрлари мисолида батафсил ўрганилди. Шуни эътиборга олиш керакки, Н-5 протонларига нисбатан Н-8 протонлари анча кучли майдонда резонанс ҳосил қилади ва бу протонларнинг кимёвий силжиши С халқадаги ўринбосарларнинг характериға камроқ боғлиқ (фақат нитрогуруҳнинг иштирок этиши ~ 0.2 м.у. да Н-5 кучсиз майдонга силжишиға олиб келади). Шундай экан, иккинчи тур ўринбосарлари, айниқса *o*-ўринбосарлар биринчи ҳолатдаги Н-1 протонларнинг кимёвий силжишиға муҳим таъсир этади (2-жадвалға қаранг).

2-жадвал

4а-ф Ҳосилаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари


Бирикма	Суюқ. харор., °С	Унум, %	ЯМР ^1H (100 МГц, DMSO- d_6 , δ , м.д., J/Гц) (молекуланинг фақат изохинолин қисмининг сигналлари келтирилган)
4а $\text{C}_{17}\text{H}_{19}\text{O}_2\text{N}$	118-121	81	2.68(1H, м, Н-4), 2.85(2H, м, Н-3, 4), 3.25(1H, м, Н-3), 4.85(1H, с, Н-1), 6.14(1H, с, Н-8), 6.67(1H, с, Н-5). Растворитель - CDCl_3
4б $\text{C}_{17}\text{H}_{19}\text{O}_3\text{N}$	159-162	70	2.73(2H, м, Н-4), 2.87(2H, м, Н-3), 5.05(1H, м, Н-1), 6.31(1H, с, Н-8), 6.66(1H, с, Н-5).
4в* $\text{C}_{17}\text{H}_{19}\text{O}_3\text{N}$	216-218 4в ·HCl	41	2.77, 2.96 и 3.15(4H, м, Н-3, 4), 4.92(1H, с, Н-1), 6.26(1H, с, Н-8), 6.71(1H, с, Н-5). Растворитель - CD_3OD .
4г $\text{C}_{18}\text{H}_{21}\text{O}_3\text{N}$	101-102	62	2.70(1H, м, H_a -4), 2.85(2H, м, H_a -3, H_a -4), 3.27(1H, м, H_e -3), 4.82(1H, с, Н-1), 6.16(1H, с, Н-8), 6.63(1H, с, Н-5).
4д $\text{C}_{18}\text{H}_{21}\text{O}_4\text{N}$	183-184	73	2.65 и 2.80-3.16(4H, 2м, Н-3, 4), 4.73(1H, с, Н-1), 6.19(1H, с, Н-8), 6.61(1H, с, Н-5).
4е $\text{C}_{18}\text{H}_{21}\text{O}_4\text{N}$	199-203 4е ·HCl	82	2.90 - 3.29(4H, м, Н-3,4), 5.15(1H, с, Н-1), 6.22(1H, с, Н-8), 6.72(1H, с, Н-5).
4ж $\text{C}_{19}\text{H}_{23}\text{O}_4\text{N}$	72-74	72	2.60, 3.00(3H, 2м, 2Н-4, Н-3), 3.24(1H, м, Н-3), 4.78(1H, с, Н-1), 6.18(1H, с, Н-8), 6.62(1H, с, Н-5).
4з $\text{C}_{18}\text{H}_{20}\text{O}_3\text{NBr}$	262-264 4з ·HCl	59	2.69(2H, м, Н-4), 2.83(1H, м, H_a -3), 3.20(1H, м, H_e -3), 4.85(1H, с, Н-1), 6.17(1H, с, Н-8), 6.64(1H, с, Н-5).
4и $\text{C}_{17}\text{H}_{18}\text{O}_3\text{NBr}$	205-207 4и ·HCl	51	2.64 и 2.80 (каждый 1H, м, Н-4), 3.26(2H, м, Н-3), 4.78(1H, с, Н-1), 6.15(1H, с, Н-8), 6.62(1H, с, Н-5).
4к $\text{C}_{17}\text{H}_{18}\text{O}_3\text{NBr}$	189-192 4к ·HCl	82	2.70(2H, м, Н-4), 2.86(2H, м, Н-3), 5.08(1H, с, Н-1), 6.37(1H, с, Н-8), 6.67(1H, с, Н-5).
4л $\text{C}_{18}\text{H}_{20}\text{O}_4\text{NBr}$	199-200 4л ·HCl	66	2.65(2H, м, Н-4), 2.78(2H, м, Н-3), 5.22(1H, с, Н-1), 6.18(1H, с, Н-8), 6.64(1H, с, Н-5).
4м $\text{C}_{19}\text{H}_{22}\text{O}_6\text{N}_2$	224-225 4м ·HCl	87	2.80(2H, м, Н-4), 2.92(2H, м, Н-3), 5.51(1H, с, Н-1), 6.27(1H, с, Н-8), 6.65(1H, с, Н-5).
4н $\text{C}_{19}\text{H}_{22}\text{O}_4\text{NBr}$	144-146	61	2.56-2.76(2H, м, Н-4), 2.86-3.04(2H, м, Н-3), 5.14(1H, с, Н-1), 6.12(1H, с, Н-8), 6.65(2H, с, Н-5).
4о $\text{C}_{18}\text{H}_{20}\text{O}_4\text{NBr}$	181-183	64	2.80-3.20(4H, м, Н-3, 4), 5.48(1H, с, Н-1), 6.15(1H, с, Н-8), 6.76(1H, с, Н-5).
4п* $\text{C}_{18}\text{H}_{19}\text{O}_4\text{N}$	137-138	72	2.65(1H, дт, J=4.6, 15.9, H_a -4), 2.84(1H, м, H_e -4), 2.96(1H, м, H_a -3), 3.15(1H, дт, J= 5.2, 12.1, H_e -3), 4.90(1H, с, Н-1), 6.20(1H, с, Н-8), 6.54(1H, с, Н-5).

			Растворитель - CDCl ₃
4p C ₁₈ H ₁₈ O ₄ NBr	201-203 4p ·HCl	90	2.85 и 3.12(2H, м, H-4), 3.31 и 3.43(2H, м, H-3), 5.78(1H, с, H-1), 6.15(1H, с, H-8), 6.82(1H, с, H-5).
4c* C ₁₈ H ₁₈ O ₄ NCl	107-108	76	2.80(1H, дт, J=, 5.9, 16.4, H _a -4), 2.87(1H, дт, J=5.5, 16.1, H _e -4), 3.01 и 3.12(2H, м, H-3), 5.48(1H, с, H-1), 6.27(1H, с, H-8), 6.43(1H, с, H-5). Растворитель - CDCl ₃
4r C ₁₈ H ₂₀ O ₄ NBr	193-194	48	2.68 (2H, м, H-4), 2.81 (2H, м, H-3) 4.75(1H, с, H-1), 6.21(1H, с, H-8), 6.64(1H, с, H-5).
4y* C ₁₉ H ₂₄ O ₂ N ₂	241-243 4y ·HCl	64	2.93 и 3.11(каждый 2H, м, H-3, 4), 5.29(1H, с, H-1), 6.22(1H, с, H-8), 6.55(1H, с, H-5). Растворитель - CDCl ₃ .
4ф C ₁₅ H ₁₇ O ₃ N	221-224 4ф ·HCl	35	2.5-3.0(2H, м, H-4), 3.16(2H, м, H-3), 4.97(1H, с, H-1), 6.45(1H, с, H-8), 6.61(1H, с, H-5).

*ЯМР ¹H (400 МГц, δ, м.д., J/Гц).

4a-ф Бирикмалар масс-спектрларининг ўзига хослиги молекуляр ионнинг максимал интенсив чўққиси ҳисобланади. 1-Арилтетрагидроизохинолин асослари фрагментацияси йўлининг асоси бўлган C-1-Ar боғларининг узилиши, *m/z* 192 бўлган (6,7-диметокси-3,4-дигидроизохинолиннинг барқарор иони) фрагментларнинг ҳосил бўлиши ва фенил қолдиғига парчаланишига сабаб бўлади (2 схема).

Масс-спектрида (70eV) **4p** бирикманинг электрон зарбасида *m/z* (I_{отн.}, %) молекуляр ион ва ионлар чўққиси: 391/393 (M⁺, 100), 376/378 (24), 360/362 (14/13), 199/201 (66), 193 (22), 192 (165).




2-Схема. 4p Бирикманинг электронлар зарбаси таъсирида фрагментларга парчаланиши

1-(2'-Бром-3'-гидрокси-4'-метоксифенил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолиннинг (**4л**) молекуляр массаси +ESI-масс-спектрида *m/z* 394/396 бўлган бромнинг 79 ва 81 изотоплари билан исботланган.

Криптостилинлар I, II ва 1-арилтетрагидроизохинларнинг N-метил ҳосилалар 5a, б, д олишниши

Табиий криптостилин алкалоидлар I, II (**5в, г**) ва N-метил ҳосилалар **5a, б, д** олиш учун қатор **4** бирикмаларни Крейг усули бўйича метилладик. Реакцияни икки босқичда “one-pot” (икки босқични кетма-кет бир қолбада) амалга оширдик. Маҳсулотлар ажратиб олинган моддалар **5a-д** ҳисобида 64% дан 93% гача бўлган унумларни ташкил этди.




3-Схема. Криптостилинлар I, II ва N-метил ҳосилалар **5а, б, д** олиниши


4а-ф Моддалардан фарқли равишда, N-метилли ҳосилаларнинг масс-спектрида максимал интенсивлиги m/z 206 бўлган ион чўкки намоён бўлади. Криптостилин алкалоидларининг I, II ва **5д** N-метилли ҳосиласининг электрон зарба таъсири остида парчаланиши C-6 даги метил радикалининг m/z M^+ , $[M-15]^+$ ҳамда метокси гуруҳларининг $[M-31]^+$ (80%) элюмирланиши билан бошланади.

5д Бирикманинг масс-спектри (70eV) m/z ($I_{\text{отн}}\%$): 405/407 $[M]^+$, 34), 390/392 ($[M-15]^+$), 359/361 ($[M-31-\text{OCH}_3]^+$, 80), 283 (31), 252, 207 (43), 206 (100), 199/201 (62), 191, 190 (24.8), 163 (22).

1-Арил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар (**6а-о**) гидроксиэтил ҳосилаларининг олиниши

1-(4'-Метоксифенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолинни фармакологик изланишлар шуни кўрсатадики, ушбу бирикма юқори анальгетик ва маҳаллий оғриқ қолдирувчи фаолликка эга. Олинган маълумотлар шу гуруҳнинг қатор моддаларини **6а-о** синтез қилишга ундади. Аминларнинг гидроксиэтилли ҳосилаларини олиш учун **4** изохинолинларни этиленхлоргидрин билан алкиладик. Реакцияда K_2CO_3 ўрнига KOH ва 70% ли $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ қўлланилганда маҳсулотлар **6а-о** (**6а** учун 50% дан 94% гача) унумини ошириш имконини берди (4-схема).





4-Схема. 1-Арилтетрагидроизохинолинларнинг **ба-о** гидроксиэтил ҳосилаларини олиниши

Синтез қилинган моддаларнинг тузилиши ИҚ-, ЯМР ^1H , ^{13}C ва масс-спектрлар ҳамда рентген тузилиш таҳлили усуллари ёрдамида исботланди.

б Бирикманинг ЯМР спектрида изохинолин халқасининг Н-3 ва Н-4 протонлари ва дастлабки **4** бирикмага мос келувчи протонлари тахминан ўша соҳада резонанслар ҳосил қилади. С халқада метилендиокси гуруҳга эга бўлган **бл, м, н** ҳосилалардаги Н-1 протоннинг сигнали кучли мойдонга 0.7 м.у. гача бўлган соҳага силжийди. **ба-о** Моддаларнинг ЯМР ^1H спектрларида протонлар сигналларига нисбат бериш 1-(4',5'-метилендиокси-2'-хлорфенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолиннинг (**бн**) ЯМР COSY ва NOESY спектрлари мисолида батафсил ўрганилди. Синтез қилинган моддаларнинг ЯМР ^1H спектрида кимёвий силжишларни ва Н-9, 10 протонларнинг табиатини таҳлил қилиш натижасида бирикмаларда гидроксиэтил гуруҳи протонлари сигнали турлича кўринишда эканлиги кузатилди. ЯМР ^1H спектрида қатор моддаларда **бб, ж-и, м, н** гидроксиэтил гуруҳи протонлари кутилаётган иккита триплет ўрнига, циклик ҳолатга хос бўлган тўртта алоҳида сигналлар кўзатилди (3-жадвал). Бу бирикмаларда янги халқа ҳосил бўлишига ҳамда гидроксиэтил гуруҳнинг эркин айланишини тўхтатишга олиб келувчи ичкимолекуляр водород боғи мавжуд эканлигини **бн** модда мисолида кўриш мумкин (ИҚ-спектридаги 3159 см^{-1} да ютилиш чизиғи).

3-жадвал



ба-о Гидроксиэтил ҳосилаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Бирикма	Суюқ. харор., °С	Унум, %	ЯМР ^1H (400 МГц, CDCl_3 , δ , м.д., J/Гц) (молекуланинг фақат Н-1, 9, 10 сигналлари келтирилган)
ба $\text{C}_{19}\text{H}_{23}\text{O}_3\text{N}$	182-184 ба·HCl	94	2.85-3.00(2H, м, Н-9), 3.60, 3.78 (каждый 1H, м, Н-10), 4.91(1H, с, Н-1)
бб* $\text{C}_{19}\text{H}_{23}\text{O}_4\text{N}$	149-151	86	2.65(1H, дт, J=4.5, 13.6, H _b -9), 2.99(1H, м, H _a -9), 3.77(1H, дт, J=4.8, 11.6, H _b -10), 3.85(1H, м, H _a -10), 4.70(1H, с, Н-1)
бв $\text{C}_{19}\text{H}_{23}\text{O}_4\text{N}$	ёғсимон	70	2.52 (1H, дт, J=3.7, 12.7, H _b -9), 2.82 (1H, м, H _a -9), 3.48 (1H, дт, J=4.3, 10.9, H _b -10), 3.68 (1H, дт, J=3.4, 11.4, H _a -10), 4.78 (1H, с, Н-1)
бг $\text{C}_{20}\text{H}_{25}\text{NO}_5$	167-169 бг·HCl	84	3.0(2H, м, Н-9), 3.89(2H, м, Н-10), 5.24(1H, с, Н-1)
бд* $\text{C}_{20}\text{H}_{25}\text{NO}_5$	ёғсимон	61	2.51(1H, дт, J=4.8, 12.8, H _b -9) 2.64(1H, ддд, J=4.3, 8.4, 12.5, H _a -9), 3.48(1H, дт, J=5.0, 11.0, H _b -10), 3.68(1H, м, H _a -10), 4.53(1H, с, Н-1)
бе $\text{C}_{21}\text{H}_{27}\text{NO}_5$	201-203 бе·HCl	91	2.63(1H, м, H _b -9), 2.71(1H, м, H _a -9), 3.55 и 3.70(каждый 1H, м, Н-10), 4.69(1H, с, Н-1)

бж C ₂₀ H ₂₄ BrNO ₅	168-169 бж -HCl	69	2.53(1H, дт, J=3.5, 12.7, H _b -9), 2.84(1H, ддд, J=4.6, 7.9, 12.7, H _a -9), 3.62(1H, дт, J=4.4, 11.0 H _b -10), 3.69(1H, ддд, J=3.5, 7.5, 11.0, H _a -10), 5.01(1H, с, H-1)
бз C ₂₁ H ₂₆ N ₂ O ₇	158-161	79	1.6(OH), 2.53(1H, дт, J=3.4, 13.0 H _b -9), 2.74(1H, м, H _a -9), 3.46(1H, м, H _b -10), 3.65-3.70(1H, м, H _a -10), 5.40(1H, с, H-1)
би C ₂₁ H ₂₆ BrNO ₅	166-168	56	1.6(OH), 2.52(1H, дт, J=3.2, 13.4 H _b -9), 2.79(1H м, H _a -9), 3.44(1H, м, H _b -10), 3.69(1H, м, H _a -10), 5.03(1H, с, H-1)
бк C ₂₀ H ₂₄ BrNO ₅	179-182 бк -HCl	55	2.66-2.78(2H, м, H-9), 3.75(2H, м, H-10), 5.10(1H, с, H-1)
бл C ₂₀ H ₂₃ NO ₅	149-152	78	2.56(1H, дт, J=4.4, 12.9, H _b -9), 2.90(1H, ддд, J=4.4, 8.3, 12.9, H _a -9), 3.48(1H, ддд, J=4.4, 9.4, 11.1, H _b -10), 3.64(1H, ддд, J=4.4, 8.3, 11.1, H _a -10), 4.57(1H, с, H-1)
бм C ₂₀ H ₂₂ BrNO ₅	143-144	77	2.47(1H, дт, J=3.5, 12.7, H _b -9), 2.76(1H, ддд, J=4.8, 9.8, 12.8, H _a -9), 3.39(1H, ддд, J=3.6, 4.8, 11.0, H _b -10), 3.64(1H, ддд, J=3.5, 9.8, 11.0, H _a -10), 4.99(1H, с, H-1)
бн C ₂₀ H ₂₂ ClNO ₅	157-159	87	2.49(1H, дт, J=3.7, 13.0, H _b -9), 2.73(1H, ддд, J=4.9, 9.6, 13.0, H _a -9), 3.41(1H, ддд, J=3.7, 4.9, 11.1, H _b -10), 3.63(1H, ддд, J=3.7, 9.6, 11.1, H _a -10), 5.02(1H, с, H-1)
бо C ₂₁ H ₂₈ O ₃ N ₂	167-169 бо -HCl	89	3.41-3.47(2H, м, H-9), 4.00(2H, м, H-10), 6.02(1H, с, H-1)

* ЯМР ¹H (600 МГц, δ, м.д., J/Гц).


Буни исботлаш учун **бб**, **к**, **н**. бирикмаларнинг РТТ таҳлили олиб борилган. Ушбу ишда келтирилган РТТ лар Ўсимлик моддалари кимёси институти, физикавий тадқиқот усуллари лабораторияси ходимлари к.ф.д. Ташходжаев Б., к.ф.н. Тургунов К.К. томонидан бажарилган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, **бн** молекуласида азот атоми ва гидроксил гуруҳи орасида ичкимолекуляр водород боғи мавжуд. N...H ва N...O орасидаги масофа тегишлича 2.292 ҳамда 2.848 Å ни ташкил этади. РТТ бўйича 1-(4',5'-метилендиокси-2'-хлорфенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-нинг (**бн**) кристалл тузилиши 1-расмда келтирилган.



1-Расм. 1-(4',5'-метилендиокси-2'-хлорфенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолиннинг (**бн**) тузилишининг ЯМР ¹H спектри ва РТТ маълумотлари



Кристалл ҳолидаги 1-(2'-гидроксифенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолиннинг (**бб**) тузилиши 2-расмда берилган. Элементар ячейканинг боғлиқ бўлмаган қисми **бб** бирикманинг 2β-гидроксиэтил гуруҳи турлича ориентирланган яъни иккита молекула орасида молекулалараро водород боғи юзага келишига қодир бўлган иккита

молекуласидан ҳосил бўлган. С халқанинг орто-ҳолатида гидроксил гуруҳининг мавжудлиги ҳам ичкимолекуляр водород боғи ҳосил бўлишига олиб келади.



2-Расм. Кристалл ҳолидаги 1-(2'-гидроксифенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохиолиннинг (**6б**) РТТ маълумотлари


РТТ маълумотлари бўйича **6к** бирикманинг молекуляр структураси 3-расмда кўрсатилган. **6б** ва **6н** лардан фарқли равишда бу молекуланинг кристаллида ичкимолекуляр водород боғи кузатилмайди яъни ЯМР ¹Н спектри маълумотларига тулиғича мос келади.



3-Расм. 1-(2'-Бром-5'-гидрокси-4'-метоксифенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохиолин (**6к**) молекуласининг тузилиши

5,5'-Бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохиолин-1-ил)-бифенилларнинг 13-15 синтези

Биологик фаол изохиолинлар орасида бимолекуляр алкалоидлар ва уларнинг ҳосилалари алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, циклеапелтин ва метилтелобин-Нлар цитостатик, секоцефарантин ва норбербамин-2 лар вирусга қарши самарани намоён этади, тубокурарин хлорид миорелаксант хоссасини намоён қилади, 1,11-бис-(6,7-метилендиокси-1,2,3,4-тетрагидроизохиолин-1-ил)ундекан синтетик ҳосила эса яққол цитотоксик ва замбруғга қарши фаолликка эга. Бимолекуляр бирикмалар ичида изохиолин фрагментлари Ar-Ag ёки >N-CH₂-N< боғи билан боғланган бис-маҳсулотлар катта қизиқиш ўйғотди. Ar-Ag боғи тутган бис-изохиолинларни синтез қилишнинг қулай усулларидан бири, биринчи босқичда алмашинган бифенилларни олиш ҳисобланади. Дастлабки дегидродиванилинни (**7**) синтез қилиш учун ванилинни оксидлаш реакциясидан фойдаланилди (**2e**), уни метиллаб диальдегидлар **8** ва **9** олинди (5 схема).



5-Схема. Бимолекуляр бирикмаларнинг 13-15 олиниши

1-Арилтетрагидроизохинолинлар **4а-ф** синтез қилиш схемасига асосан бимолекуляр бирикмалар **13-15** синтези амалга оширилди. Диальдегидларнинг амин **1** билан конденсацияси яхши унум билан бис-бирикмаларни **14** ва **15** беради. Тезда оксидланишга қодир бўлган **13** бирикмада фенол гуруҳининг мавжудлиги реакция маҳсулотини симолаланишига олиб келади, яъни уни ажратиб олишни қийинлаштиради ва аниқ мақсадли бирикмаларнинг унумини пасайтиради (5 схема).

4-жадвал

Бимолекуляр бирикмаларнинг 13-15 физик-кимёвий кўрсаткичлари


Бирикма	Суюқ. ҳарор., °С	Унум, %	ЯМР ¹ Н (100 МГц, DMSO-d ₆ , δ, м.д., J/Гц)
13 C ₃₆ H ₄₀ N ₂ O ₈	178-185	35	2.0 (2H, с, H-2'', 2'''), 2.78 и 2.99 (8H, м, H-3'', 3''', 4'', 4'''), 3.45* (3H, с, 7'' -OCH ₃), 3.49* (3H, с, 6'' -OCH ₃), 3.65* (6H, с, 6''', 7'''-OCH ₃), 3.69* (6H, с, 3, 3'-OCH ₃), 5.03 (2H, с, H-1'', 1'''), 6.27 (2H, с, H-8'', 8'''), 6.54 (2H, с, H-5'', 5'''), 6.63 и 6.74 (4H, 2с, H-2, 2', 6, 6').
14 C ₃₇ H ₄₂ N ₂ O ₈	198-203	71	
15 C ₃₈ H ₄₄ N ₂ O ₈	242-245	79	2.03(2H, с, H-2'', 2'''), 2.68 и 2.79 (8H, м, H-3'', 3''', 4'', 4'''), 3.33*(9H, с, 6'', 7'', 7'''-OCH ₃), 3.46*(6H, с, 6''', 2-OCH ₃), 3.71*(6H, с, 3, 2'-OCH ₃), 3.81*(3H, с, 3'-OCH ₃), 5.59(2H, с, H-1'', 1'''), 6.29(1H, с, H-8'') 6.31(1H, с, H-8'''), 6.45(1H, с, H-5''), 6.51(1H, с, H-5'''), 6.79(2H, с, H-6, 6'), 7.3(2H, с, H-2, 2').

